

«Уздонмахсулот» АК

«Тахياتош дон махсулотлари»
АЖнинг 2021 йил _____
ноябрдаги Кузатув кенгаши
йиғилишида
« МАЪКУЛДАНДИ



*«Тахياتош дон махсулотлари»
акциядорлик жамиятининг
2022 йил учун*

БИЗНЕС РЕЖАСИ

РЕЗЮМЕ

«Бизнес-режа» жамиятнинг ривожланиш стратегиясини белгилаб берадиган асосий ҳужжатдир. У жамиятнинг иш жараёнини тасвирлаб, бошқарувнинг режалаштирилган мақсадларига қай тариқа эришишларини, аввало мулжалланган тадбирларни даромадлигини амалга ошириш мумкинлигини кўрсатиб беради. Яхши ишлаб чиқилган бизнес-режа корхонани тараққиётга эришишга, бозорда мавқеъларни қўлга киритишга, уз таркатиётнинг истиқболларини белгилаб олишга, янги махсулотлар ишлаб чиқариш ва янги хизмат турларини яратишга ҳамда белгиланган режа тадбирларини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқ усулларини танлаб олишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тугрисида»ги 2015 йил 24-апрелдаги ПФ-4720-сонли фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28-апрелдаги «Иктисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва ахамиятини ошириш чора-тадбирлари тугрисида»ги ПК-2340-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳозирги куннинг тез ва сифатли юқори савияда бажариш лозим бўлган ута муҳим вазифалари ҳисобланади. Тугридан-тугри хорижий инвестицияларини кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан узгартириш, булажасак инвесторлар учун уларнинг очиклиги ва жозибдорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, жамиятнинг стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш ва уларга қулай шароитлар яратиш мақсадга мувофиқдир.

Халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилиш ва шу асосда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, ишлаб чиқариш, инвестиция, моддий техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

чет эл капитални кенг қамраб олишда жамият бошқарувини ташкил этиш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун шароитлар яратиш;

эски булимлар ва лавозимларини тугатиш, замонавий халқаро стандартлар ва бозор иктисодиёти талабларига мос янги булим ва лавозимларни жорий этишни инобатга олган ҳолда жамият бошқариш тузилмасини қайта ташкил этиш;

жамиятнинг стратегик бошқариш, бошқарув ходимларнинг самарали фаолиятини назорат қилишни таъминлашда акциядорлар, жумладан, миноритар акциядорлар ролини ошириш;

бошқарув ходимларни тайёрлаш, уларнинг касб даражасини ошириш, шунингдек раҳбарлик лавозимларига чет эллик юқори малакали менежерларни жалб қилиш ҳозирги куннинг ута муҳим вазифаси ҳисобланади. Шунга асосан жамиятда Президентимиз фармони ва қарори ижросини таъминлаш буйича бир мунча ишлар амалга оширилди, жумладан Кузатов кенгашининг навбатдан ташқари йиғилиши утказилиб, 2015 йил 11 май кунда навбатдан ташқари умумий йиғилиш утказиш тугрисида қарори қабул қилинди. 2015 йилнинг 11-май куни жамиятнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши утказилди. Президентимиз фармони ва қарори талаблари акциядорларнинг умумий йиғилишида ижросини таъминлаш бир овоздан қабул қилинди. Жамият бошқарувининг 37 - П сонли буйруғи чиқарилиб, ишчи гуруҳи ташкил этилди. Шунингдек, жамиятнинг

ташкилий схемаси кайтадан тузилди, унда миноритар акциядорлар кумитаси, қузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати, бошқарув раиси ва унга тугридан-тугри буйсунадиган ишлаб чиқариш ва молиявий масалалар буйича директорлар ва уларга буйсунувчи 24 та булим ва хизматлар бириктирилди. Хар бир булим ва хизмат турлари буйича Вазирлар Махкамасининг 2015 йил 19 июндаги «Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг янгиланган классификаторларни тасдиқлаш тугрисида»ги 164-сонли қарорига мувофиқлаштирилган ҳолда ходимларнинг лавозим йуриқномалари ишлаб чиқилди.

2016 йилдан 1-январдан бошлаб, жамиятда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2015 йил 28-июлдаги «Давлат улуши булган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хужалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тугрисида»ги №207-сонли қарори буйича фаолият самарадорлигини баҳолаш буйича мезонлар жорий этилди.

Самарадорликни баҳолаш мезонлари белгиланган даврийлик буйича ҳисобланадиган самарадорликнинг муҳим курсаткичларини уз ичига олади.

Самарадорликнинг муҳим курсаткичлари (кейинги уринларда СМК деб аталади) ташилотларнинг ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини аниқлаш учун фойдаланиладиган баҳолаш мезонларининг микдорий улчовидан иборат булади.

Самарадорликнинг муҳим курсаткичлари фаолиятининг иктисодий, энергетика, ишлаб чиқариш, инновацион самарадорлиги курсаткичларини ва самарадорликнинг бошқа курсаткичларини уз ичига олиши мумкин.

Самарадорликнинг муҳим курсаткичлари руйхати ташилотининг ваколати бошқарув органи булган қузатув кенгаши, у мавжуд булмаганда эса-юқори бошқарув органи (хужалик жамиятлари учун) ёки муассис (давлат қорхоналари учун) қарори билан тасдиқланади.

Самарадорликнинг муҳим курсаткичларини ҳисоблашнинг даврийлиги хар чоракдан иборат булади ва ташилотнинг ваколатли бошқарув қарори билан белгиланади.

Баҳолаш мақсади учун хар бир самарадорлик муҳим курсаткичига унинг ташилот учун аҳамиятини ақс эттирувчи салмоқ улчови белгиланади. Жамиятга нисбатан татбиқ этиладиган барча самарадорликнинг муҳим курсаткичлари салмоқ улчовлари жами 100 фоизни ташиқил қилади.

Самарадорлик муҳим курсаткичларининг прогно (мақсадли) курсаткичлари хар бир давр учун бизнес-режада, унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган алоҳида илова сифатида ақс эттирилади.

Самарадорлик муҳим курсаткичлари прогноз (мақсадли) курсаткичлари ташилотнинг ваколатли бошқарув органи томонидан қонунчиликда белгиланган меъерий микдорда (агар курсаткичлар учун қонунчиликда меъерий микдор белгиланган булса) паст булмаган даражада белгиланади.

Агар қонунчиликда курсаткичлар учун меъерий микдор назарда тутилмаган булса, прогноз (мақсадли) курсаткични аниқлаш учун бошқа ташилот (қонсуьтант) жалб этилиши мумкин.

Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи навбатдаги чорак тугагандан сунг самарадорлик муҳим курсаткичларининг прогноз (максадли) курсаткичларига тузатиш киритиши мумкин.

Агар самарадорлик муҳим курсаткичларининг прогноз (максадли) курсаткичига тузатиш киритиш илгари амалга оширилган туловларни қайта ҳисоблашга зарурат тугдирса, у ҳолда бундай қайта ҳисоблаш учун Низомда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Ҳисоблаш йули билан олинган самарадорлик муҳим курсаткичлар миқдорлари уларнинг бизнес-режада белгиланган прогноз (максадли) миқдорлари билан ҳисобланган ва максадли миқдорнинг фоизли нисбати тарзида (кейинги уринларда бажариш фоизи деб аталади) таққосланади.

Барча самарадорлик муҳим курсаткич буйича уртача ҳисобланган миқдор жамиятнинг ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигининг йигинди курсаткичи (кейинги уринларда самарадорлик йигинди курсаткичи деб аталади) сифатида ифодаланади.

Жорий даврда ижро этувчи орган раҳбари ва аъзоларини муқофатлаш миқдори бизнес-режада назарда тутилган ижро этувчи органни моддий рағбатлантириш нули миқдорини самарадорлик йигинди курсаткичига қунайтириш йули билан аниқланади. Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи қарорига биноан ижро этувчи органнинг ташиқлот фаолияти натижаларини шакллантиришдаги ҳақиқий иштирокидан келиб чиқиб, тузатиш коэффициенти қулланиши мумкин.

Агар самарадорлик йигинди курсаткич ва уларнинг бажарилиши фоизи барча самарадорлик муҳим курсаткичларнинг камида ярмида прогноздан (максадли курсаткичдан) ошса, ташиқлотнинг ваколатли бошқарув органи қарорига асосан ижро этувчи орган раҳбари ва аъзоларини муқофатлаш миқдори бизнес-режада назарда тутилган муқофотлаш миқдorigа нисбатан икки баробар оширилиши мумкин.

Агар самарадорлик муҳим курсаткичнинг ҳақиқий миқдори қонунчиликда белгиланган меъёрий миқдордан паст булса, ташиқлотнинг ваколатли бошқарув органи қарорига асосан ижро этувчи орган раҳбарига нисбатан қонунчиликка мувофиқ жавобгарлик қоралари қурилади.

Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи қарорига асосан ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги қуйидагича эътироф этилади:

Самарадорлик муҳим курсаткичи миқдори 40 фоиздан кам булса-қоникарсиз;

Самарадорлик муҳим курсаткичи миқдори 40 фоиздан 60 (ушбу даража ҳам қиради) фоизгача булса –паст даражада;

Самарадорлик муҳим курсаткичи миқдори 60 фоиздан 80 (ушбу даража ҳам қиради) фоизгача булса- етарли даражада эмас;

Самарадорлик мухим курсаткичи миқдори 80 фоиздан 90 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача булса – урта даражада;

Самарадорлик мухим курсаткичи миқдори 90 фоиздан 100 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача булса – етарли даражада;

Самарадорлик мухим курсаткичи миқдори 100 фоиздан ошса-юқори даражада;

Жамиятларда ижро этувчи орган фаолияти самарадорлигини баҳоламасдан ёки уларнинг фаолияти коникарсиз ёки паст даражада деб эътироф этилган тақдирда устамалар белгилашга, мукофот нули ва бошқа моддий рағбатлантиришлар тулашга йул қуйилмайди.

Ижро этувчи органнинг самарадорлиги кетма-кет икки чорак мобайнида коникарсиз ёки паст даражада (хар қандай уйғунликда) булса, бу ижро этувчи орган раҳбари билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ташаббуси билан чиқишга олиб келади.

Бизнес-режа доимий ҳужжат булиб, мунтазам янгилаб борилади, унга ҳам корхонанинг ичида, ҳам умуман иқтисодийётдаги шароитларга қараб руй берган ўзгартиришлар киритилади.

Бизнес –режа жамият тараққийётининг умумий концепциясига асосланган булиб, ривожланиш стратегиясининг иқтисодий ва молиявий жиҳатларини бир мунча батафсил баён этади, аниқ чора-тадбирларни техник-иқтисодий жиҳатдан асослаб беради. У стратегиясини амалга ошириш техник, ташкилий ва иқтисодий ўзгаришларнинг маълум вақтгача узаро маҳкам боғланган бутун бир тизими сифатида тузилган кенг инвестиция дастурларига асосланади.

Бизнес-режа одатда бир неча йил ичида амалга ошириши керак булган ишларнинг бир қисмини уз ичига олади.

Ушбу бизнес-режа Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тугрисида»ги 2015йил 24-апрелдаги ПФ-4720 сонли фармони ва 2015 йил 28-апрелдаги «Иқтисодийётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тугрисида»ги ПК-2340сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилган ишлар буйича «Тахياتош дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятининг 2021-йилга мўлжалланган инвестиция дастури, уни амалга ошириш манбалари келтирилган булиб, охириги хотима булимида йил давомида амалга ошириладиган чора-тадбирларни самарадорлиги хақида сўз юритилади.

Жамиятнинг 2022-йилга мўлжалланган иқтисодий ва молиявий режа курсаткичлари, маркетинг, ишлаб чиқаришни хом ашё, материаллар ва энергия

ресурслари билан таъминлаш, жамият бошқарув органлари, кадрлар сиёсати, иш хақи курсатилган.

2.КОРХОНА ПАСПОРТИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИ ВА МУЛКНИНГ ТАҚСИМОТИ ТУҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР.

«Тахиатош дон махсулотлари» акциядорлик жамияти Караколпоғистон Республикаси Тахиатош тумани Амударья кучаси №5-ўйда жойлашган.

Банк реквизитлари: АТБ «Агробанк»нинг ҚР Хожсейли тумани филиали ҳисоб рақами 20208000200669442001 МФО: 00602, ИНН 200366496 ТХШ-1150, МШ-144, МХОБТ-1735236505, КТУТ-055884359, ХТУТ-19211
Телефон: (61)572-22-56, 572-21-69

«Тахиатош дон махсулотлари» акциядорлик жамияти ҚР Давлат Мулк Қўмитасининг 1995 йил 1-июньдаги № 1 - сонли буйруғига асосан акциядорлик жамиятига айлантирилган.

ҚР Қанлықол тумани хокимлиги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2014- йил 16-октябрда 0001749 реестр тартиби билан қайта рўйхатдан ўтказилиб № 2570-сонли гувоҳнома берилган.

Жамият таркибидаги дон махсулотлари қабул қилиш, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш шахобчалари республикамизнинг қуйидаги шаҳар ва туманларида жойлашган:

I. Қанлы қол тумани Қарабайлы гуруч филиали қабул қилиш шахобчаси 2021 йил ҳосилидан.

- | | |
|-------------------------------|-----------------|
| 1. Дон қабул қилиш ҳажми – | 10000 тонна |
| Шу жумладан : Товар дон - | 8700 тонна |
| Уруғлик дон – | 1300 тонна |
| Шоли – | 3000 тонна |
| 2. Гуруч ишлаб чиқариш цехи - | 50 тн / суткада |

II. Хожсейли тумани Хожсейли гуруч филиали қабул қилиш шахобчаси.

- | | |
|-------------------------------|-----------------|
| 1. Дон қабул қилиш ҳажми – | 10000 тонна |
| Шу жумладан : Товар дон - | 8600 тонна |
| Уруғлик дон – | 186 тонна |
| Шоли – | 3000 тонна |
| 2. Гуруч ишлаб чиқариш цехи - | 50 тн / суткада |

III. Амударья тумани Мангит филиали қабул қилиш шахобчаси

- | | |
|----------------------------|------------|
| 1. Дон қабул қилиш ҳажми – | 7000 тонна |
| Шу жумладан : Товар дон - | 6500 тонна |
| Уруғлик дон – | 1400 тонна |

2. Уруғлик ишлаб чиқариш цехи - 50 тн / суткада

4. Жами ишчи ходимлар сони - 356 киши

Шу жумладан . аппарат ходимлари - 12 киши

«Тахиятош дон махсулотлари» акциядорлик жамияти 2022-йилда уз «Низом»ида курсатилган фаолиятни амалга оширишни қуйидагича белгилайди:

- **Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида фаолият курсатиб:**

- **Карақолпоғистон Республикаси аҳолисини ун, гуруч ва нон махсулотлари билан таъминлаш, чорвачиликни омухта ем шу билан биргаликда фермер хужаликларни уруғлик дон билан таъминлашни;**

- **Ишлаб чиқаришни доимий ривожлантириши мақсадида илмий – техник, иқтисодий асосланган ҳолда технологик қайта қуроллантиришни амалга оширишни;**

- **Дон ва дон махсулотларини, бошқа қишлоқ хужалик махсулотларини сотиб олишни, уларни давлат эҳтиёжига, шунингдек бошқа истеъмолчиларнинг буюртмасига асосланиб қайта ишлаб беришни уз зиммасига олади.**

- **Шунингдек, амалдаги қонунлар билан таъжикланмаган фаолият натижасида даромад олиш, акциядорлар ва меҳнат жамоаси аъзоларининг моддий ва ижтимоий эҳтиёжларини таъминлашни ташкил этади.**

II. Ташкилий ва ишлаб чиқариш тизими.

Жамият фаолиятини Бошқариш Корпоратив бошқарув асосида амалга оширилади. Корпоратив бошқарув акциядорлик жамиятини бошқаришнинг олий даражадаги тизимидир. Яъни, жамият ижроия органи, кузатув кенгаши, акциядорлар ва бошқа манфаатдор жисмоний ёки юридик шахслар билан узаро манфаатлар тизимини узига камраб олади.

Пировард натижада жамиятнинг барча бугинларида алоқадор шахсларнинг манфаатларини инобатга олиб, ҳаракатдаги қонун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда жамиятнинг барча фаолият турларидан максимал даромад олишни таъминлайди.

Корпоратив бошқарувнинг ютуғи шундан иборат буладики, ҳамма ва ҳар бир ходимнинг бошқарувда узаро ҳамжиҳатлик билан ишга ҳаққоний ёндашувидан иборат. Жавобгарлиги қучли булган, ёркин ва муҳим қийматга мулжалланган корпоратив бошқарувни ташкил этиш инвесторлар, бизнес буйича ҳамкорлар, ходимлар ва жамият аъзоларининг узаро ишончини яратади.

Жамиятни бошқаришда биринчи навбатда чет эл менежерларини жалб этиш ва шунингдек маҳаллий юқори малакали менежерларни тайёрлаш ва уларни жамият фаолиятини бошқаришга жалб этиш лозим.

Менежерлар ва директорлар юқори натижаларга эришиш учун тенг ҳуқуқли

жавобгардирлар

Бошқарув раиси ҳаракатдаги қонунлар доирасида бошқарув органлари қарорларини ижро этиши шарт.

Коллегиал Ижроия Органи – Бошқарув хайъати томонидан, функционал департамент структураси, яъни фаолиятнинг барча соҳалари бўйича чегараланган мажбуриятларни жамият бошқарув раиси, ижрочи директорлар, бошқарув аъзолари, шахобча мудирлари, бўлимларга юқлатиш асосида ташкил этади.

Жамиятда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот турларини кўпайтириш мақсадида:

Қўнлик қуввати 150 тонналик омухта еم цехини модернизация қилиш ишларга 9 млрд 400 млн сумлик харажатлар ишлатилади;

Хисобот йилида 1 млрд 200 млн сумлик Асосий воситаларга талаб ўсқуна ва жиҳозлар сотиб олинади.

«**Тахиятош дон маҳсулотлари**» акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тугрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2004-йил 6-августдаги 376-сонли Қарори, «Объектларни хусусийлаштириш чора-тадбири режаси»га ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Қарақолпақстон Республикаси ҳудудий бошқармасининг 1995 йил 12 октябргаги 74-сонли буйруғига асосан «Ўздонмаҳсулот» Давлат корпорациясига қарашли Тахиятош дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмасини очик турдаги акциядорлик жамиятига айлантириш (хусусийлаштириш) йўли билан ташкил этилган бўлиб унинг ҳуқуқий вояси хисобланади.

«**Тахиятош дон маҳсулотлари**» акциядорлик жамиятининг устав фонди 1 миллиард 504 миллион 858 минг сумни ташкил этади. Ҳозирги кунда бир дон акциянинг номинал қиймати 1000 сумлик бўлган 1 миллион 504 минг 58 дон акция чиқарилган

Эмиссия рисоласи бўйича акциялар қўйидаги тартибда тақсимланади:

Жами низоми жамгармаси – 100 % = 1 504 858 м.с 1 504 858 дон акция

а) «Ўздонмаҳсулот» АК улуши – 91,07 % = 1 370 474 м.с 1370474 дон акция

б) Меҳнат жамоаси ва юридик шахсларнинг жойлашган акциялари улуши - 4,2 %
= 63 263 м.с 63263 дон акция

в) Захирадаги акциялар улуши-71173 дон акция

Акцияларга дивидендлар тулаш учун ажратиладиган маблағлар миқдори қўйидагича:

2021- йил якуни бўйича жамиятнинг соф фойдаси жами 1 млрд 012 млн 130 минг сумликни ташкил этади. Утказилган акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан 70

фоиз кисмини, яъни 708491 минг сумини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга. 5 фоизини резерв фондига яъни 50606,5 минг суми ажратилди. 1 (бир) донга акция учун 6725 сум 75 тийиндан дивидент ҳисобланди

III. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТУГРИСИДА

“Таҳсиботи дон маҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг 2022- йилларда буладиган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш маҳсулотлари ишлаб чиқариш

РЕЖАСИ

Маҳсулот турлари	Улчов. бирлиги	2022 йил режа	шу жумладан чораклар буйича			
			I	II	III	IV
Ж А М И Я Т Б У Й И Ч А						
Маҳсулот и/ч ҳажми	мянг с	99474652	23295330	23295330	23295330	29588663
Йил бош таққ нарх	мянг с	96888712	22689652	22689652	22689652	28819356
Халқ истеъмол моллари	мянг с	89260512	21299825	21299825	21299825	25361037
Ун 1 навли	тн	32400	8100	8100	8100	8100
Кепақ	тн	7419 6	1854 9	1854 9	1854 9	1854 9
Омухта ем	тн	15800	3950	3950	3950	3950
Гуруч	тн	1100	0	0		1100
Майдаланган гуруч		169	0	0	0	169
Уруғлик дон	тн	4080	0	0	2040	2040

@

Ж А М И Ун тегирмони буйича

Ун 1 навли	тн	32400	8100	8100	8100	8100
Ун кепақи	тн	7419 6	1854 9	1854 9	1854 9	1854 9
Омухта ем	тн	15800	3950	3950	3950	3950
Маҳсулот и/ч ҳажми	мянг с	94004652	23501163	23501163	23501163	23501163
Йил бош. Таққ. Нарх	мянг с	91560531	22890132	22890132	22890132	22890132
Халқ истеъмол моллари	мянг с	86707820	21676955	21676955	21676955	21676955

2022- йилда Контракция шартномаларига асосан кластер ва фермер хужалиқларидан дон қабул қилиш режаси

№	Туманлар номи	Фермер хужалиқлар сони	Қабул қилинадиган дон ҳажми тн	Шу жумладан	
				Товар дон	Уруғлик дон
1	Амударе тумани	2	11350	10000	1350

2	Тахиатош тумани	1	1550	1040	510
3	Хожейли тумани	119	4440	3690	750
4	Шуманай тумани	161	4620	3720	900
5	Конликул тумани	3	3627	3057	570
	Жами:	286	25587	21507	4080

Юкоридаги жадвалдан куриниб турибдики, кабул қилинадиган бугдой хом ашёси тегиримон буйича ишлаб чиқариш режасига етарли даражада, кабул қилинадиган уруглик бугдой ишлаб чиқариш қуввати 75 % га етарли.

Ишлаб чиқариладиган нон ва нон махсулотлари учун жамият узи ишлаб чиқарган ундан фойдаланади. Ишлаб чиқариладиган озука аралашмалари учун жамиятда ишлаб чиқариладиган кепак ва дон чиқиндилари асосий хом ашё бўлиб ҳисобланади.

Бундан ташқари бошқа корхоналар ва аҳолидан кабул қилинадиган арпа, озука охаги ва кунжаралардан фойдаланилади.

IV. 2022- ЙИЛДА МАХСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАЖМИ ТУГРИСИДА МАЪЛУМОТ.

Ун, омухта ем, нон ва нон махсулотлари ишлаб чиқариш «Уздонмахсулот» АК томонидан ойма-ой бериладиган бирлаштирилган топшириққа асосан режалаштирилади.

1. Жамиятда 2022- йилда 45128 тонна бугдойни қайта ишлашдан 32400 тонна 1 навли ун ишлаб чиқариб, маҳаллий аҳолига, ишлаб чиқариш ва сотиш режалаштирилмокда.

2022- йилда ишлаб чиқариладиган махсулотлар турлари ва миқдорлари куйидагича: 1 навли ун 32400 тонна, 7419.6 тонна кепак, омухта ем ишлаб чиқариш 15800 тонна, уруглик бугдой 4080 тонна, 1100 тонна гуруч, 169 тонна майдаланган гуруч, маҳаллий исьтемомолчиларга биржа орқали сотиш режалаштирилмокда.

V. МАРКЕТИНГ

Корхона келгусида узи ишлаб чиқарган махсулотларини ва бошқа махсулотларни жисмоний шахслар ва юридик мақомга эга бўлган корхоналар билан шартнома асосида махсус ажратилган фондлар ва эркин сотиш буйича махсус савдо дуконлари орқали савдога чиқаради.

Асосий эътибор ишлаб чиқариладиган махсулотлар ассортиментини яхшилаш, таклиф структурасини такомиллаштириш, уни талабга кўпроқ мос тушадиган ҳолатга келтиришга қаратилади.

Шундай қилиб, Маркетинг маҳсулот сифатига, унинг рақобатбардош бўлишига қуйиладиган узига хос талаб, турли товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришига ундайдиган рағбат, аниқ талаб даражасини ҳисобга олиши ва маҳсулотларни бозор каналлари орқали мохирлик билан сотиши маҳоратидир.

Дон ва ун маҳсулотларини сотиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 13 сентябрдаги «Мамлакатимиз аҳолисини ва иқтисодиёт тармоқларини рақобат ва бозор механизмларини жорий этиши асосида дон, ун ва нон билан ишончли таъминлаш чора-тадбирлари тугрисида»ги 731-сонли қарори, 2018 йил 15 сентябрдаги «Республика аҳолисини ва иқтисодиёт тармоқларини рақобат ва бозор механизмларини жорий этиши асосида дон, ун ва нон билан ишончли таъминлаш чора-тадбирлари тугрисида»ги №1-сонли баёни ва 2018 йил 17 сентябрдаги «Республика аҳолисини ун ва нон билан ишончли таъминлаш чора-тадбирлари тугрисида»ги № 2-сонли баёни ҳамда 2018 йил 28 сентябрда Республика Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган «Дон ва ун маҳсулотларини биржа орқали сотишни ташкил этиши масалалари тугрисида»ги № 01-03/1-2373-сонли йиғилиш баёнига ва Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019йил 14 октябрдаги «Дон ,ун ва нон етказиб бериш тизимида бозор механизмларини тулик жорий этиши чора –тадбирлари тугрисида»ги № 866-сонли қарори асосида амалда оширилади.

Ишлаб чиқарилган ун ва ун маҳсулотлари, омукта ем ,дон маҳсулотлари тулик биржа савдосига қуйилиб сотилмоқда. Биржа савдосида сотилмай қолган омукта ем уртакча биржа савдосида тугридан тугри шартнома асосида паррандачилик, чорвачилик хужалиқларига ва бошқа истеъмолчиларга сотилмоқда.

Жамият 2022-йилда жамият балансида бўлган автотранспортлардан фойдаланиб, шунингдек автотранспортлари мавжуд бўлган автотранспорт корхоналари билан, хужалик ва фермер хужалиқлари автотранспорт хизмати курсатиш бўйича шартнома тузиб хужалиқлардан дон маҳсулотларини корхонага ташиб келтиради ва шунинг билан биргаликда донни қайта ишлаш корхоналарига жўнатади.

Ишлаб чиқарилган уруғлик бугдой давлат захирасига дон етиштирувчи фермер хужалиқлари ва бошқа субъектларга шартнома асосида сотилади.

Жамият ишлаб чиқаридиган маҳсулотларини асосан «Ўздонмаҳсулот» АЖ нинг тақсимотига асосан тармоқ ичидаги корхоналарга ва аҳоли истеъмоли учун сотилиши режалаштирилади.

Жамият уз фаолиятини давом эттириб Реклама хизматларини йўлга қўйган ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ассортиментини қўнайтириб, унинг сифатини яхшилаш, харидорларнинг зарурий талабларини қондиришига ҳаракат қилади.

Шу сабабли ҳозирги шароитдан келиб чиқиб ишлаб чиқариш ва савдони сифатини яхшилаш, яъни маҳсулот турларини қўнайтириш, шаҳар ва туман марказларидаги савдо

шаҳобчалардаги савдо маданиятини ошириш устида асосий маркетинг изланишларини олиб бориш талаб этилади.

VI. ХОМ АШЁ, ЭХТИЁТ КИСМЛАР ВА ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИ ТАЪМИНОТИ.

Акциядорлик жамиятида асосий ишлаб чиқариш маҳсулотлари булган 32400 тонна 1 навли ун ва 15800 тонна омухта ем ишлаб чиқариш учун 45128 тонна бугдой дони асосий хом-ашё булиб ҳисобланади.

Ҳозирда фермер хужаликлари ва бошқа кишлоқ хужалиғи субъектлари билан 2022-йил ҳосили учун жами 25587 тонна бошокли дон шундан 21507 тонна товар донга ва 4080 тонна уруғлик бугдой қабул қилишга контрактация шартномалари имзоланди.

2022 йил 1 ноябр ҳолатига 45128 тонна бугдой қолдиғи мавжудки, бу тегирмонни йил давомида бугдой билан узлуксиз таъминлаш имконини беради.

Омихта ем ишлаб чиқариш учун кепак, дон чиқиндилари, арпа, макка, озука охағи, фураж дони, ут уни ва бошқалар зарур.

Шундан энг асосий компонент кепак 7419.6 тоннаси жамият тегирмонидан, зарур булган фураж донлардан 50 % дон чиқиндилари жамият дон қабул қилиш пунктлари ва элеватор, тегирмондан етказиб берилади.

Жамият учун электро –энергия алоҳида подстанция орқали узатилади. Газ таъминоти шаҳар газ идораси орқали таъминланади

Жамият учун зарур булган дизел ёқилғиси ва бензин тулик микдорда биржа орқали сотиб олинади.

2022- йилда электр-энергия, газ ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун барча улчов назорат приборларини қайта тафтишдан ўтказиш ва уларни тўғри ишлашини таъминлаш режалаштирилмоқда.

Қорхона фаолияти учун зарур булган эҳтиёт қисмлар, материаллар, асбоб ускуналар, хом ашё ва моддий бойликлар жамият тендер комиссияси розилиғи орқали кооперацион биржа савдолари орқали сотиб олинади.

VII. ЖАМИЯТНИ БОШҚАРИШ ОРҒАНЛАРИ, КАДРЛАР СИЁСАТИ ВА ИШ ХАКИ.

«Тахиятош дон махсулотлари» акциядорлик жамиятининг олий бошқарув органи бу- акциядорларнинг умумий йиғилиши хисобланади. Умумий йиғилиш «Акциядорлик жамиятлари ва акционерларни ҳуқуқини ҳимоя қилиш тугрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан 1 йилда камида 1 марта утказилади.

Жамиятнинг ташкилий схемаси қайтадан тузилди, унда миноритар акциядорлар кумитаси, кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати, бошқарув раиси ва унга тугридан-тугри буйсунадиган ишлаб чиқариш ва молиявий масалалар буйича директорлар ва уларга буйсунувчи 24 та булим ва хизматлар бириктирилди.

Хар бир булим ва хизмат турлари буйича Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 июндаги «Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг янгиланган классификаторларни тасдиқлаш тугрисида»ги 164-сонли қарорига мувофиқлаштирилган ҳолда ходимларнинг лавозим йуриқномалари ишлаб чиқилди.

Жамиятнинг ҳозирги кундаги ташкилий тузилмаси қуйидагича:

Жамият Кузатув кенгаши сайланган даврида жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қилади.

Жорий тезкор бошқарув ва ҳужалик фаолиятига жамиятнинг бошқаруви раҳбарлик қилади.

Жамиятнинг тафтиш комиссияси молия-ҳужалик фаолиятини тафтиш қилиш учун сайланади.

Жамиятни бошқариш органларига қуйидагилардан иборат:

1. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши
2. Кузатув Кенгаши
3. Ижроия органи

Жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши

Акциядорларнинг Умумий йиғилиши Жамиятни бошқаришнинг олий органидир.

Жамият акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилиши хар йили молия йили тугаганидан кейин қуни билан олти ой ичида утказилади.

Акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясини сайлаш тугрисидаги, жамият яккабашчилик асосидаги ижроия органи билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш (шартномани қайта тузиш ёки уни тугатиш (бекор қилиш) мумкинлиги тугрисидаги, аудиторлик текшируви утказиш ҳақида қарор қабул қилиш тугрисидаги масалалар, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига туланидиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш масалалари ҳал этилади, шунингдек жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлар қараб чиқилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари утказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилиш хисобланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши утказиладиган сана ва уни утказиш тартиби, йиғилиш утказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини утказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материаллар руйхатини Кузатув кенгаши белгилайди.

Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамият ижроия органига берилиши мумкин эмас.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар буйича қарор қабул қилишга ҳақли эмас. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қилади. Кузатув кенгашига сайланадиган аъзолар жамият билан меҳнат шартномасида бўлмасликлари керак.

Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари амалдаги қонунчилик ва мазкур Устав асосида акциядорларнинг умумий йиғилиш томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 7 кишидан иборат.

Кузатув кенгаши уз фаолиятида Умумий йиғилишида тасдиқланган кенгаш низомига мувофиқ иш юритади.

Жамиятнинг кундалиқ фаолиятига, раҳбарлик коллегиал ижроия органи (Бошқарув) томонидан амалга оширилади. Жамият бошқаруви жамиятнинг кундалиқ (оператив) фаолиятига раҳбарлик қилишга доир масалаларни ҳал қилади, у умумий йиғилиш ва кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади. Жамиятнинг коллегиал ижроия органи Бошқарув жамиятнинг устави ва тасдиқланган низом асосида иш юритади.

Бошқарув мажлисида баённома юритилади ва у кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва аудиторга уларнинг талабига биноан берилади.

VIII. ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ ВА УЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАНБАЛАРИ

Жамиятда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот турларини қупайтириш мақсадида:

Ишлаб чиқаришни қорхона иқтисодий имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда ташкил этади.

Жамиятимизда фойдаланилмай турган асосий воситалар (бинолар автотранспортлар) ва инвентар, жиҳозларни консалтинг марказида баҳолатиб биржа савдоси ва шартнома асосида сотиш режалаштирилган.

Кадрлар танлашда мутахассислиги буйича ишга қабул қилинади ва уларнинг малакасини оширишида «Ўздонмаҳсулот» АҚга қарашли раҳбарлар, мутахассислар ва ишчи ходимлар малакасини ошириш курсига юборилиб турилади.









Ушбу «Бизнес режа» буйича жамиятда Жами: сотишдан соф тушум 98 млрд 881

млн 416 минг сумликни, шу жумладан:

ишлаб чиқариш таннарихи 94 млрд 15 млн 142 минг сумни, жами харажатлар 99 млрд 515 млн 501 минг сумни ташкил этиб, фойда солиғи 54 млн 901 минг сумни ташкил қилади.






Жамият буйича соф фойда 311 млн 11 минг сум режалаштирилди.








Соф фойдага нисбатан рентабеллик даражаси 0.31 % га режалаштирилмоқда.

Жамият Бошқарув Раиси:		К.Пралиев	
Ишлаб чиқариш буйича директор:		Р.Юлдашев	
Молиявий масалалар ва сотиш буйича директор:		_____	
Бош иқтисодчи:		К.Айтымбетов	
Қата қурилиш муҳандиси етакчи мутахассиси:		И.Имашев	
Юридик бўлим бошлиғи:		Ж.Хожаметов	
Кадрлар буйича бош инспектор:		К.Хасанова	

2022- йил учун тузилган Жамият «Бизнес-Режа»си билан танишдим ва шу асосда иш юритишимни ўз зиммамга оламан.

2022 йил «1» декабрь

1. Ишлаб чиқариш буйича директор:		Р.Юлдашев
2. Молиявий масалалар ва сотиш буйича директор:		_____
3. Бош иқтисодчи:		К.Айтымбетов
4. Қурилиш муҳандиси:		И.Имашев
6. Юридик бўлими бошлиғи:		Ж.Хожаметов

- | | | |
|----------------------------------|---|-----------------|
| 7. Кадрлар буйича бош инспектор: |  | К.Хасанова |
| 8. Бош энергетик: |  | К.Керем |
| 9. Карабайлы ДМККШ мудири: |  | А.Турдышев |
| 10. Хожейли ДМККШ мудири |  | А.Худайбергенов |
| 11. Мангит ДМККШ мудири: |  | И.Кенжев |
| 12. Ун тегирмони мудири: |  | Ж.Рейсов |
| 13. Омукта ем цех мудири: |  | Ж.Таганбаев |
| 14. Уруглик цех бондиги: | | Б.Мискенов |

Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражаси

№	Маҳсулот номи	Улчов бирлиги	Қуввати	Қувватдан фойдаланиш			
				2020 й.	%	2021й.	%
1.	Ун маҳсулоти	тн	56100	34910	62,2	32345,6	57,7
2.	Омухта ем	тн	21600	17410	80,6	15767	73,0
	жами	тн	77700	52320	67,3	48112,6	61,9

Бошқарув раиси:

К. Пралиев

Ишлаб чиқариш бўйича директор:

Р.Юлдашев

Бош ҳисобчи:

К. Айтымбетов

Бош иқтисодчи:

К. Айтымбетов



Handwritten signatures in blue ink.

т/р	МФО	Филиял номи	Туман номи	Ресурс қолдиғи
<i>а</i>	<i>б</i>	<i>с</i>	<i>д</i>	<i>е</i>
		Жами Республика буйича	153	40 797 733

Корхонанинг бошқарув органлари туғрисида маълумот

№	ФИШ	Давозими (иш жойи), фаолият курсатиш даври	Корхонадаги улуши
I. Акциядорлар (иштирокчи, мулкдор)			
1.	Акциядор (иштирокчи, мулкдор) "Тахиятош дон махсулотлари" АЖ	"Тахиятош дон махсулотлари" АЖ ҚР Тахиятош тумани Амударья кучаси № 5 уй	Акциядорлар: § Йирик акциядорлар - 91,06% (1370422 дона акция) § Юридик шахслар - 6,5% (60588 дона акция) § Жисмоний шахслар - 2,5% (25000 дона акция)
II. Кузатув кенгаши аъзолари			
2.	ФИП	Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи (2019 йилдан)	-
3.		Акциядор вакили (2020 йилдан)	
III. Ижроия органи			
4.	Утемуратов Ж.Ж	Бошқарув раиси (Бош директор, директор), (2017 йилдан)	0,008971% (135 дона акция)
5.	Абдимуратов А.	Бошқарув раисининг сотиш масалалари буйича биринчи уринбосари (2017 йилда)	0,006645 % (100 дона акция)
6.	Утемуратов М.А	Бошқарув раисининг ишлаб чиқариш буйича уринбосари (2013 йилда)	0,004652 % (70 дона акция)
7.	Танатаров М	Мутахасис технолог (2010 йилда)	0,006844 % (102 дона акция)
8.	Ашырова З	Бош ҳисобчи (2013 йилда)	0,001711 % (20 дона акция)

**“Таҳиятоти дон маҳсулотлари” АЖнинг 2022- йил учун ишлаб чиқариш қувватидаан фойдаланиш
РЕЖАСИ**

№	Курсаткичлар яр, бажарилад нган ишлар, маҳсулот номи	Улчов бирлиги	Лойиҳа қуввати	Қувватдан фойдаланиш				Режа		Шундан				Усиш қамайи ш, %
				2020 й.		2021й.		2022й.	%	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	
				%	2021й.	%	2022й.	%						
I. Қорхона бўйича														
1.	Ун маҳсулоти	тн	56100	34910	62,2	32345,6	57,7	32400	57,8	8100	8100	8100	8100	100,2
2.	Омухта ем жамии	тн	21600	17410	80,6	15767	73,0	15800	73,1	3950	3950	3950	3950	100,2
II. Қорхона тизимидаги ташкилотлар билан бирга (Ғиғма)														
3.														
4.														
	жамии													

Бошқарув раиси:

Ишлаб чиқариш бўйича директори:

Бош ҳисобчи:

Бош иктисодчи:

К. Пиралиев

Р.Юлдишев

К. Айтымбетов

К. Айтымбетов



**“Тахьятош дон махсулотлари” АЖнинг 2022-йил учун ишлаб чиқариш
РЕЖАСИ**

№	Курсантлар, бажирладилган лиллар, махсулот нини	Сачов бирлиги	2020б.	2021б. 9- ойлик	2021б.		2022б.	Усми, %	Жумладан														
			(факт)	(факт)	режи	бузиладилган	(режи)		1-чирак	2-чирак	3-чирак	4-чирак											
I. Корхона буйич																							
1.	Ун махсулоти	тн	34910	24405,1	36936	32345,6	32400	87,7	8100	8100	8100	8100	8100										
2.	Омухта ем	тн	17410	13126	16800	15767	15800	94,0	3950	3950	3950	3950	3950										
3.																							
	жамн																						
II. Корхона тегинидаги таъсилотлар белии бирга (вазми)																							
4.																							
5.																							
6.																							
	жамн																						







К. Пралмен
 Р. Юлашов
 К. Айтымбетов

Бошқарув раиси:
 Ишлаб чиқариш буйича директор:
 Бош хисобчи:

“Технатош дон махсулотлари” АЖнинг 2021 йил учун махсулот (хизмат)лар сотиш
РЕЖАСИ**

млн.сум

№	Курсаткичлар, бажариладиган ишлар, махсулот нлими	2020й.		2021й.		2022й.		Жами тушумдаги руши	Шу жумладан			
		(факт)	9 ойлик (факт)	режа	кутилаётг ан	(режа)	1-чорак		2-чорак	3-чорак	4-чорак	
I. Корхона буйича												
1.	Жами соф тушум (эгри солиқларсиз)	129189.6	81947.6	124893.9	109263.4	99474.0	91.0	100	24868.50	24868.50	24868.50	24868.50
шу жумладан, махсулот тури буйича												
2	А) Махсулот гуруҳи											
